



Россиянинг йирик шахарларида халол махсулотлар учун алоҳида магазинлар пайдо бўла бошлади. Ислом коидаларига кўра, сўйиш пайтида «хам кассоб, хам ўлдирилаётган (сўйилаётган) хайвон юзи Макка томонга каратилган бўлиши лозим».

Дунё халол махсулотлар бозори йилига \$500 млрд. деб баҳоланяпти. (Баъзи маълумотларга кўра ракамлар 1 трлн. хам боради). Доимий истеъмолчилар сони эса 1,5 млрд. кишига етиши мумкин ва ер юзида хам шунча мусулмон бор. «Халол» стандарт қўмитасининг ўтказган мониторинги бўйича хар йили халол махсулотларини ишлаб чиқариш 30-40% га ошмокда.

1 августдан муборак Рамазон ойи ва бу билан барча мусулмонларга зарур бўлган рўза ибодати бошланди. Мусулмонлар бу ойни кадимдан хурмат килишади ва кадрлашади. Хар куни дастурхон байрамона безатилади ва сабрсизлик билан ифторлик кутилади. Шубҳасиз, байрамона дастурхонда факат халол ва текширилган овкатлар бўлиши лозим. Россияда ўн миллионлаб мусулмонларни хисобга олинадиган бўлсак, халол озик-овкат саноати жиддий равишда ривожланган бўлиши лозим. Дарҳакикат, охирги 10 йил ичida «Царицыно» (йилига 4000 тоннадан ортиқ колбаса махсулотлари), «Челны бройлер» (йилига 5000 тоннадан ортиқ), «ЭКОЛЬ» (6500 тоннадан ортиқ бир неча хил мол-кўй гўштлари) «Троицкий консервный комбинат», «САФА», «Хаяль-Аш», Казанская птицефабрика (Козон кушхонаси) «ЛИСКо Бройлер» ва «Евро Мит», «Продукт СПБ», «ТАВР» Ростов колбаса заводи ва ўнлаб бошка Россияда халол махсулотларини ишлаб чиқарувчилар сони кўпайди. Хар йили „Халол“ махсулот ва ишлаб чиқарувчиларнинг йирик халкаро кўргазмаси бўлиб туради. Масалан, Москвада „Moscow Halal Expo“, Козонда “KAZANHALAL” ярмаркалари ўтказилади. Россиянинг йирик шахарларида халол махсулотлар учун алоҳида магазинлар пайдо бўла бошлади. «Метро», «Ашан», «Реал»дек супер ва гипермаркетларда «Халол» бўлимлари ишлай бошлади У ердан гўшт махсулотлари, янги суйилган гўшт, «халол» белгили яримтайёр махсулотларни сотиб олишингиз мумкин.

## Жозибадор халол

Халол махсулотли саноатнинг ривожланишида энг диккатга сазовор жойи шундаки, асосан ундан мусулмон бўлмаганлар истеъмол килишади. Юкори диний талабларида кизикмайдиган оддий номусулмон москваликлар «Халол» гўшт ёки киймани олишади. Бўлмасам худди шу нарса «Ашана» (Groupe Auchan SA setmagazin)да хам бор. Гап шундаки у тоза ва сифатлидир. Халол махсулотлар расталарини бўшаб колишига караб хам одамлар шунча халол озик-овкатга бўлган кизикишлари ортиб боряпти.

Шуниси эътиборлики, Оврупадаги маълум овкатлар ичидан оврупаликлар урфга айланган халол махсулотларини хуш кўра бошлишди. Нега бу махсулотга бўлган талаб катта ва нихоятда машхур? Мутахассисларни айтишича, бунинг ўзига яраша катор сабаблари бор.

Халол махсулотнинг асосий фаркли хусусияти унинг сифатидадир. Оврупаликлар буни тушунгандарига анча бўлди. Бу махсулотни тайёрлашнинг хар бир боскичи ўта дақик назорат ўтказиладиган, янгича савиядаги стандартни ва кўшимча белгини кўришди. Шунинг учун магазин расталарида айнан „Халол“ белгили махсулотларни кидиришади.

Россия федерацияси истеъмолчилар хукукини химоя килиш жамияти аъзоси Михаил Аншаков халол махсулотларнинг асосий кисмини исломдан йирок бўлган москваликлар истеъмол килишади. „Бирор бир диний жамият назорати остида ишлаб чиқарилган махсулотга талаб ортаяпти. Хаммасидан хам одамлар нима еяётганликлари хакида ўйлай бошлишди. „Халол“ махсулот бу - юкори сифат. Масалан, бу махсулотларда жудаям камайтирилган микдорда кимёвий моддалар ва йодмахсулотлар ишлатилади. Шунинг учун хам истеъмолчиларда бу махсулотларга кўпроқ ишонч билдирилади“ - дейди Аншаков.

## Ишониш муаммолари

Шундай килиб халол махсулотларида бўлган талаб ва унинг хажми ошяпти. Ва бу ерда бир аччик савол тугилади: Хакикатдан хам сотиб олаётган нарсаларимиз халолми? Оддий мусулмон бўлмаган москваликка факатгина сифат бўлса бўлди, лекин диёнатли инсонгачи? Биринчи ўринда унинг диний-ахлокий кейин эса бошка холатлари

кизиктиради.

Ўзи аслида халол овкатлар ишлаб чикишга бўлган ишонч жуда калтис турибди. Бутун дунё бўйича вакти-вакти билан жанжаллар чикиб турибди: федерациянинг хабарига кўра, Белгияда, сотувдаги 60% махсулотлар тоза эмас. Козонда, „Халол“ брендни остида виждонсиз тадбиркорлар баъзан рухсат берилмаган овкатларни таклиф килишяпти. Жанжаллар хисоби ўнтағача етади.

Табиийки, Мусулмонлар жамоаси Мусулмонларни диний идораси кошидаги „Халол“ стандарти назорат кўмитасини тузиб чиқди. Шартнома бўйича кўмита мутахассислари махсулотни ишлаб чикишдаги халолликлигини, кафе ва магазинларга етказишдан олдин текшириб чикишади. Бундан ташкари хатто гўшт махсулотларида чўчка гўшти бор ёки йўклигини текширувчи бир махсус тест ишлаб чикишган. Татаристон Республикаси Мусулмонлар диний идораси кошидаги „Халол“ стандарти кўмитаси раҳбари Динар Содиков „Махсулотда чўчка гўштининг йўклиги, уни халоллигини билдиrmайди дея огохлантиради. „Халол“ стандартига кўра гўшт шариат асослари бўйича сўйилган бўлиши керак“.

[www.chel.aif.ru](http://www.chel.aif.ru)